

Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар

ҲУҚУҚШУНОС

Жиззах туманидаги Б.Ҳошимов номи 35-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Саодат Урозова фарзанд парварши билан боғлиқ икки йиллик таътилдан сўнг мактаб раҳбари Раҳматулла Кодировга иш сўраб мурожаат этди. Шунда иш бевучи унинг ҳужжатларини 55-мактабга ўтказиб юборганини, энди иш билан шу мактаб маъмурияти таъминлашини айтиди.

Бу иш унинг розилигисиз бўлганидан ранжитган С.Урозова қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб бosh сўкмаган идораси қолмади. Лекин иши ижобий ҳал бўлмади.

Шундан сўнг у таълим ва фан ходимлари вилоят касаба уюшма кўмитасига мурожаат қилди. Ариза билан атрофчи танишган кўмита ҳуқуқшуноси Малика Зокирова масалани қонуний ҳал этишга киришди.

Маълум бўлишича, 2002 йил сентябрда 35-мактаб иккига бўлинган. Директор Р.Кодиров ходимни хабардор қилмай, унинг барча ҳужжатларини янги мактабга ўтказиб юборган ва шу йил билан «ўз кулони тинч» қилмоқчи бўлган экан. Директорнинг бу иши амалдаги меҳнат қонунларига зид эди. Меҳнат Кодексининг 234-237-моддаларига кўра бола парваришнинг даврида аёлнинг иш жойи, лавозими сақланади. Ҳомиладор аёллар ва ушғарга тўлган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш бевучининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқшунос М.Зокирова томонидан қонун талаби мактаб раҳбари олдига қатъий қилиб қўйилди. С.Урозова аввалги меҳнат жамоасида иш билан таъминланди...

Бу ҳуқуқшунос М.Зокированинг қундалик иш фаолиятдан бир лаъха ҳолос. У ўн уч йилдан буён таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кўмитасида ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келмоқда. Шу вақт мобайнида юзлаб ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари тикланишига кўмакдош бўлди.

— Тўғри сўз, қонуний талаб ҳаммага ҳам ёқармайди, — дейди М.Зокирова. — Айрим ишлар судга ча етиб, ўз ечимини топмоқда. Қонун устуворлигини таъминлашга эришиш биринчи галдаги вазифамиздир. Тармоқ касаба уюшма вилоят кўмитаси таркибида бугунги кунда 56.526 нафар аъзо бўлиб, 14 та ҳудудий келишув, 172 та жамоа шартномаси орқали уларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимояланмоқда. Утган йили жамоа шартномаларига кўра ҳар бир ёланма ходимга 1590 сўмдан маблағ сарфланди.

Меҳнат қончилиги, ходимларга яратилаётган иш шaroитлари каби долзарб масалалар раёсат йиғилишида қўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Улар алоҳида назоратга олинб, ижроси таъминланмоқда. Ҳозиргача Жиззах шаҳри, Дўстлик, Зомин, Жиззах, Пахтакор, Зафаробод, Галлаорол, Мирзачўл туман халқ таълими бўлимларида ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги аҳвол ўрганилиб, вилоят касаба уюшма кўмитаси раёсатида муҳокама этилди. Зомин туманида меҳнат қончилигига риоя этиш борасида ўқув семинари ўтказилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан қўрилаётган қатор амалий чора-тадбирлар туфайли сўнгги йилларда жойларда бахтсиз ҳодиса бўлмади. Педагог-ҳодимларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг яшаш, ишлаш ва ўқишлари учун шарт-шaroит яратиш борасида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинган. Шу туфайли тармоқ касаба уюшма аъзолари сони йил сайин ўсиб бораётгани қувончли ҳол. Улар сони сўнгги бир йилда 1282 нафарга ўсди.

Жиззах Олимпия захиралари коллежи директори Алишер Тилоков меҳнат қончилигини бузиб, иш юритувчи Нигора Жўраевага болага қараш учун уч ойлик нафақасини вақтида тўламаган. Фаррош Ойдин Мирзоевани ноқонуний ишдан бўшатган. Ҳуқуқшунос М.Зокирова аралашуви билан фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи тикланди, Н.Жўраевага 21.660 сўм нафақа ундириб берилди, О.Мирзоева эса ўз вазифасида қолдирилди.

М.Зокирова касаба уюшма кўмитаси ҳуқуқшуноси сифатида фақат ариза ва шикоятлар билангина шуғулланиб қолмайди. Иш режасига кўра бошланғич ташиқлотларда тез-тез бўлиб, улардан амалий кўмагини аямаяди, жойлардаги тадбирларда фаол иштирок этади.

Дарҳақиқат, касаба уюшма ҳуқуқшуноси М.Зокирова ҳаммиса одамлар орасида-уларнинг ташвишу қувончларига шерик бўлиб яшайди. Буну у ҳаётининг мазмуни деб билади.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг тарихан қисқа муддат мобайнида ҳуқуқий фуқаролик давлатининг қонуний асослари яратилди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда қонунларнинг ўрни бекиёс. Чунки қонун асосида иш юритиш, унга қатъий амал қилиш, албатта, муваффақиятни таъминлайди.

Ҳусусан, жамият ривожига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи қонунлар мамлакатимиз парламентида қабул қилинаёпти.

Бугун мамнуият билан айтиш мумкинки, бу қонунлар демократик тамойилларга жавоб беради. Узлуксиз жараён-қонун ижодкорлиги давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қақриқ ўининчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлари қабул қилинди.

Шундан бироз муддат ўтган, яъни 2003 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуй палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Маълумки, икки палатали парламентни ташкил этиш натижасида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада барқарор бўлишига эришилади. Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 2-моддасига биноан Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуй палатасидир.

Қонунчилик палатаси сайлов оқруллари бўйича кўлпартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларнинг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Қонунчилик палатасининг ваколат мuddати беш йил этиб белгиланган.

25 ёшга тўлган ва камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Аммо бир шахс бир пайтнинг ўзи-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ

Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Қонунчилик палатасининг депутати Қонунчилик палатасининг розилигисиз жинойи жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд томонидан берилмаган маъмурий жазага тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддасига биноан Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалалар ҳал этиш, Регламенти ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари би-

лан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш қиради.

Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидадир.

Ушбу Қонуннинг 11-моддасига биноан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказиладиган. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқа қандайдир белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Сайловдан кейинги биринчи

мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат мuddатига Қонунчилик палатаси Спикери сайланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Қонунчилик палата Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Қонунчилик палатаси ваколати мuddатига сайланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата кўмиталари ишини мувофиқлашти-

Болаларни ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият

Андижон вилоятида болалар оромгоҳларини 25 майгача тахт холга келтириш режалаштирилган. Белгиланган тадбирларга кўра бу йил мавжуд 22 та сўлим масканда 22.250 нафар ўғил-қиз дам олирилади. Ушбу мақсад учун 400 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган. Касаба уюшмаларининг ижтимоий сугурта маблағидан 170 миллион сўм харажат қилинади. Эътиборлиси шуки, дам олувчиларнинг 30 фоизи ижтимоий ҳимояга мухтож оилаларнинг фарзандларидир.

Оромгоҳлар мавсумга қай даражада тайёрланганлиги билан қизиқиб, 18 май куни Асакадаги «Машъал» оромгоҳида бўлдик. Бу ерда сўнгги тайёргарлик ишлари кетаётганди. «Асакумангаз» ҳамда электр тармоқлари идоралари ходимлари муҳим ишга муносиб ҳисса қўшишди.

Бирок болаларни ёзги соғломлаштиришдек ўта муҳим ишга барча ерда бирдек муносабатда бўлинмаяпти. Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли баъзи оромгоҳлар негадир унутиб қўйилган. Улар ҳанузгача мавсумга шай этилмаган. Масалан, Пахтаобод туманидаги 31-мактаб-интернатга қарашли оромгоҳ 25 май куни бўлгандек, Дарвоза пештоқида масканнинг номи ҳам ёзилмаган. Бу ерни ота-оналар қандай топиб келишаркин? Мавсум бошланган деб турган бўлса-да, олтига ёзги ётоқxonанинг атиги учтасида таъмирлаш ишлари бошланган. Мазънавийт, кутубхона, тиббий хонасига умуман қўл урилмаган. Айниқса, 50 ўринли қизлар хонаси ачинарли аҳволда. Поллар илма-тешик, деразалардан елвизак уриб ётибди. Ошхонага яқин ўртада бирон кимса қадам ранжид қилмаган кўринди. Усуқналар занглаб кетган, электр симлар очилиб қол-

наси ҳам шай. Ёз давомида турли спорт секциялари ишлаб туради.

Электр токи оқиб турган симга қимдир билиб-билмай тегиб кетса нима бўлади?

Спорт ўйингоҳларининг таъмирига ҳам киришилмаган. Стадионни ажрик бошган. Бошқа майдонлар бир йил олдин қандай бўлса

налардаги ишчиларнинг фарзандлари ёз мавсумини қандай ўтказадилар? «ЎзДЭУавто», «ЎзДонгЖу-Пейнт» қўшма корхоналарининг маъмурият ва касаба уюшмалари қандай тадбирларни белгиланган? Мутасаддиларнинг

УНУТИЛГАН ОРОМГОҲЛАР

шундайлигича қолган. Ҳўш, бу аҳволда 100 нафар бола қаерда дам олади. Шу савол билан мактаб-интернет директори Қ.Исоқовга юзланганимизда, у нима дейишини билмай қолди. Маълум бўлишича, оромгоҳ бошлиғи ўрта маълумотли экан. Наҳотки, жамоадаги 20 га яқин олий маълумотли педагог-тарбиячидан муносиби топилмади. Тайёргарлик ишларининг ўлжа-жўдаллигига касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Умрзоқов ҳам дахлдордир. Унда қатъийлик, ташкилотчилик этишмайди.

«Сўлим» оромгоҳи машинасозлар касаба уюшмалари раислар Кенгаши тасаруфиди. Бахтга қарши, ушбу оромгоҳ ҳам хувилаб ётибди. Бўлмасам 4 гектар ерни эгаллаган, ўрмон бағрида жойлашган сўлим гўшага ҳавасингиз келади. Турли баҳоналар рўқча қилиниб, болаларнинг сеvimли масканини қаровсиз ташлаб қўйишди. Энг ташвишлиси, бу ердаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар ҳўжасизликдан емирликмоқда. Тармоққа қарашли корхо-

таъкидлашларича, мавсумда 100 нафар болани дам олдириш ният қилинган. Энди ўзингиз йўланг, минглаб ишчилар меҳнат қилаётган тармоқ корхоналари учун бу етарлими?

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида таъкидланганидек, фуқароларга муносиб турмуш, ҳаёт тарзи учун шaroит тўғрисида, ижтимоий ҳимоя янада қучайтиришдан зарурроқ яна нима бор? Мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш жондан азияз фарзандларимизни соғломлаштириш ана шу долзарб вазифалар сира-сираси кирмайдими?! Гап шундаки, қимлардир иш билан ўзларини кўрсатиш ўрнига ҳамон баҳона ахтаришмоқда. Утган йилги сабоқлардан ҳулоса чиқарилмаса, ўғил-қизлар олдида уялиб қолиши ҳеч гап эмас.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ПУДРАТЧИ ФЕРМЕР БЎЛОЛМАДИ, САБАБ?

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, ширкатнинг собиқ раиси ўғли чет элда бўлса-да, у ҳам, бош агроном, бош ҳисобчи, ёқилги қўйиш шохобчаси раҳбари, ширкат касбири ҳам тендердан ҳеч бир тўсиқсиз ўтиб, фермерга айланишди. Бундан ташқари, айрим даввогарлар бир контур учун ариза ёзиб, сўнг бошқа контурда қатнашишгани ҳам одамларни ажаблантирди. Жараён давом этаётганида тендер қатнашчилари адолатли саволни қундаланг қўйишди: фермер Н.Рустамов тендерда қатнашиб, ҳеч қандай техникаси бўлмаган қайноғаси А.Урозовага 40,7 гектар ер олиб берганилиги 25 кишилик комиссия аъзолари наҳотки илғашмаган бўлса?

Туман давлат солиқ инспекциясида олинган маълумотда «Ҳабибулла ўғли Асаде» фермер ҳўжалиғи жорий йилнинг 16 февралда 1468 рақами билан рўйхатдан ўтган бўлса-да, ҳўжалиқ раҳбари негадир Н.Рустамов дегилган. Тағин қим билди, бунга кейинчалик мутасаддилар аниқлик киритишар.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқиди юрдошларимизнинг

энг кўп норозилигини уйғотадиган нарса - адолатнинг бузилишидир, дея таъкидлаб ўтди. Табиийки, оқўргонлик А.Раимбердиев ҳам тендер танловининг иккинчи босқичидан норозий эканлигини маълум қилиб, тегишли жойларга мурожаат қилди. Шулардан икитасига эътиборни қаратаск:

Биринчиси - Республика Адлия вазирлигига юборилган ҳат Ташкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида ўрганилган, шундай ҳулосага келинган: «М.Алимовнинг моддий имкониятлари ва техникасининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмагани, А.Раимбердиевнинг моддий имконияти ва техникаларининг мавжудлиги, оила пудрати асосида ун йил режаларни бажарганига қарамай, қайта ташкил этиш комиссияси киритилиб, танлов ишларини қайта қўриб чиқиш» таъкидланган. Бирок бу тақдимнома лозим даражада муҳокама қилинмай, ҳулосага келинганни тўлдирилган баённомадан ҳам билиб олиш унчалик қийин эмас.

Иккинчиси - унинг Кишлоқ

қайд этилган ҳўжатни тақдим этган молия-ҳисоб марказидагиларнинг мана бу иши тўшунарсиз. Шу марказ бошлиғи Т.Алибековнинг А.Раимбердиевга тақдим этган маълумотмасида айнан ширкат оила пудратидан 81,010 минг сўм қардор эканлиги қўрсатиб ўтилган. Ҳўш, бир киши томонидан тақдим этилган икки ҳўжатнинг қай бири тўғри, қай бирига ишонмоқ керак?

Тахририятимизга йўланган шикоят аризасини ўрганиш жараёнида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари баъзи ҳолларда бузилаётганини ҳис қилдик. Масалан, Раимбердиев аризаси ўрганиб чиқилган, вилоят бошқармасининг жавоби роплароса 42 кундан кейин олинган. Шунда ҳам аризачининг ўзи туман ҳокимлигига неча бор учрашганидан сўнг...

«Кишлоқ ҳўжалиғи корхоналарини фермер ҳўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қонундан қўзланган мақсад кишлоқда ислохотларни янада жадаллаштириш, бебаҳо бойлик - ерни ҳақиқий ишбилармонлар қўлига топширишдир. Тажрибали дехқон А.Раимбердиевнинг ҳам нияти битта: фермер бўлсам давлатга ҳам, халққа ҳам, ўзимга ҳам қатна нима қиларман, дейди. Қўлдан иш келадиган кишиларни қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам ва маддат қўрлатиш давр талаби эмасми?!

Абдусамир ХАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

ЎРИМ-ЙИГИМ ТАРАДДУДИДА

Боёвут тумани механизаторлари галла ўрим-йигим мавсумига ўтизта «Кейс», «Нива», «Енисей» қонбайнларини тайёрлаб қўйишди. Улар 10 минг гектардан ортиқ майдонда галлани ўриб олади.

Фермер ва ширкат ҳўжалиқларида мўл ҳосил этиштиришда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу ерда мавсум ўтган йилдагидан ўн қолдин бошланади.

Белгиланган олинган барча тадбирлар ўз вақтида бажариляпти, дейди Боёвут тумани ҳокими Э.Дадабоев. - Техникани тезкор таъмирлаш учун 13 та кўма устaxonа ташкил этилди, қонбайнларни ёқилги-мобиллаш материалари билан узлуксиз таъминлаш учун кўма шўкчи-орқалар тайёрлаб қўйилди. Ўрилган галлани далалардан ўнлаб автомашиналар хирмонга ташийди. Бу йил туман дехқонлари 42 минг тоннадан ортиқ галла олиш ниятида. Тайёрланган бугўдойнинг ярмини давлатга сотишди, қолгани фермерлар ва оилавий пудратчилар ихтиёрида қолади. (ЎЗА)

ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ВА СЕНАТИ

риб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раислари кирди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қарорлар қабул қилади.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари мунтазам равишда Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда кўмиталар сайланади.

Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз

давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Мазкур Қонуннинг 28-моддасига биноан Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилгандан кейин Қонунчилик палатаси Спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул кўмитани белгилайди.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул кўмита уни Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгаши олдида масала қўяди.

Агар киритилган қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонуни ва Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ бўлмаса, Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қонун тарихида, бир неча ўқишда кўриб чиқади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун у қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Сенат қонунни маъқуллаш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилди.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқуллаш, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти га имзолаш аъён қилиш учун юборилади.

Шунингдек, Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага

келган келишмовчиликларни бар- тараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»-ги Қонуннинг 32-моддасига биноан Сенат томонидан маъқуллаш қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти га ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади.

Сенатнинг - ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг аъло фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга ва

унинг кўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатнинг ваколат муддати - беш йил этиб белгиланган.

Бу кўрсатиб ўтилган ваколат муддати тугагач, Сенат янги қақирқи Сенати иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасига асосан сайлов кунини йигирми беш йилга тўлган ҳамда қамиди беш йил ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Сенатнинг розилигисиз, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенат Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазого тортилиши мумкин эмас.

Сенат аъзосининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Сенат ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, палатанин ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда икки палатали парламентни ташкил этиш бу давр тақозосидир.

А. АЛИМУХАМЕДОВ, Ўзбекистон қасбабошушмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими муdiri

Бор бўл, оқибат! САВОБЛИ ИШЛАР ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАР ҲИСОБИДАН

Мен бу аёл ҳақида илк бор Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат ҳўжалиги раиси Фаридахон Аҳмедовдан эшитганман. Опа Хосиятхон Аҳмедова кўпга хайрли ва савобли ишларга бош-қош бўлаётгани, 14 нафар етим қизни ўз қарамоғига олиб, улардан 8 нафарини кам-кўстисиз тўй-башо билан узатганини тўққинлиб гапирган эди.

Хосият опанинг болалиги бироз ўзгачароқ ўтди. 9 ёшида онасидан айрилган қиз Самарқанд шаҳрида акаси Отахон оиласида ўсди. Болалигида чеккан жудодлик азоби уни ҳамisha атрофидогиларга нисбатан илқ ва самимий муносабатда бўлишга ўргатди. Айниқса, ёрдамга муҳтож одамлардан ўз марҳаматини ямади. Бугунги кунда тарих фанлари номзоди, «1-даражали Соғлом авлод» ордени нишондори, тажрибали, изла- нувчан, тadbirkor раҳбар Хосият Аҳмедова Наманган педагогика коллежига раҳбарлик қилмоқда. Опа фаолиятининг илк даврида оқибатимиздаги икки икки-дорли қизлар лицей-интернатини ташкил этди. Коллежда спорт зали, 100 ўринли концерт зали, 250 ўринли фаоллар зали, 30 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона ва 55 ўринли ўқув зали бинолари ҳамда 2 та фаввора ва бошқа иншоотлар ишга туширилди. Миллий дастур асосида таълим самарадорлигини ошириш йўлида 42 та ўқув хонаси, 20 та яқна тартибдаги мусика машғулотлари, лингафон, кимё, физика, биология, информатика ўқув лаборатория хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланди. Ўқув ва лаборатория хоналари энг замонавий ўқитиш воситалари ва жиҳозлари билан таъминланди.

Шу кунларда коллежда 7 йўналишда 1500 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Булардан 926 нафари қондуз- ги, 253 нафари эса сиртки бўлим талабаларидир. Коллежда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими таш- кил этилган. Бу ўзининг дастлабки самарасини берди. Иқтидорли ўқувчи ёш шоира Гулчехра Зокирова 2002 йил янвурда бўйича Зулфия номидаги Республи- ка Давлат мукофоти номзоди бўлди. Ўқувчиларнинг ўқув жараёнда олган билимлари ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш учун 16 та фан, 7 та бадий ҳавас- корлик, 4 та кўйроқ театри, 11 та спорт тўғраги ташкил этилган. Уларда 800 нафардан ортиқ ўқувчи- лар фаол қатнашмоқдалар. Коллежининг волейболчи қизлари Республика олий лигасида иштирок этиб, ви- лоят шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчи тала- баларни ва ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш му- ҳим вазифа қилиб қўйилган. Шу мақсадда бундан бир неча йил бурун «Ниҳол» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилди. Ундаги барча ишлаб чиқариш жараёнларида асосан ўқувчилар иштирок этмоқда. Фир- ма ихтиёрида тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда 32 гектар қишлоқ ҳўжалиги экинлари ер майдони, шунингдек, 1 гектар- лик балиқ боқиш ҳавзаси мавжуд. Самарали меҳнат натижасида ҳар йили 5 миллион сумдан ортиқ соф фойда олинмоқда. Олинган фойданин 50 фоизи ўқувчи- чи ва ўқувчиларни овқатлантиришга сарфланмоқда. Меҳрибонлик уйдан келган 7 нафар ота-онаси, 50 нафардан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг фар- зандалари ҳам гамҳўрлик қуршовига олинган. Уларнинг харажатлари коллеж ҳисобидан қопланмоқда.

Ўқувчиларни ишга бориб-қилишлари учун бепул транспорт хизмати ташкил этилган. Бу ерда ўқувчи ва ўқувчиларнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида со- гломлаштириш маркази мавжуд. Тиш даволаш, физио- терапия, гинекология, терапия каби бўлимлар ишлаб турибди. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жи- ҳозланган саломатлик маскани хизматидан нафақат кол- леж жамоаси, балки атрофдаги маҳалла ахли ҳам бах- раманд бўлмоқда.

С. АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ УЧУН

Шофиркон туманидаги Калмоқон қишлоқ фуқаро- лар йиғини ҳудудида беш мингдан ортиқ киши яшай- ди. Шунинг салкам 2 минг нафарини ўн етти ёшгача бўлган ўғил-қизлар таш- кил этади. Илгари бу ерда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит йўқ эди.

«Шофиркон» ширкат ҳўжалиги, «Нодир Нарзи», «Расулбобо», «Ибод бобо» фермер ҳўжаликлари раҳ- барлари ўз ҳисобидан ҳўжаликнинг эски клуби биносини қайта таъмир- лаб, спорт залига айланти- рди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ёшларни спорт анжомла- ри билан таъминлади. Энди ҳўжаликнинг Навбо- ши, Саврак, Чакар синга- ри қишлоқларида яшай- диган болалар спорт билан мунтазам шуғуллани- шлари мумкин.

ЯНА ИККИ ҚЎШМА КОРХОНА

Самарқанд вилоятда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сонини яна иккитга кўпайди.

Ургут туманида «Sam- NUR-TAFIZ» номда турки- ялик тadbirkorлар билан ҳамкорликда ташкил этил- ган қўшма корхона маҳал- лий хомашдан гилам, по- лос ва линолиум маҳсу- лотлари ишлаб чиқаради. Самарқанд шаҳрида таш- кил этилган Ўзбекистон ва Афғонистон «Umid- Nabizoda» қўшма корхона- си эса қўшмада ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқа- ришга ихтисослашган.

Уларнинг очилиши қирқ кишини муқим иш жойи билан таъминлаш имкони- ни берди.

(ЎЗА)

Бозор иқтисодиёти даврида кўп болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган сиёсат давлатимизнинг энг устувор йўналишидаги фаолиятларидан бирига айланмоқда. Бу ҳақда кўпга мисоллар келтириш мумкин.

Бухоро туман ҳўқимли- ги ва меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижти- мий муҳофаза қилиш бўлими томонидан «Банд- лик-2004» дастурини бажа- риш борасида олиб бори- лаётган изчил саъй-хара- катлар ўз самарасини бе- раётди. Аҳолиси анча зич жойлашган «Работ қалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини қошида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари- ни ижтимоий ҳимоялаш маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Эндиликда ташаббус кенг қанот ёзиб, «Кўч кўмар» қишлоқ фуқаро- лар йиғини ҳамда Гала- осиб шаҳридаги Нарзулло Ашуров номи маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам шундай марказлар фаоли- яти йўлга қўйилди.

Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу марказлар-

«Бандлик» дастури - амалда

сирларини пухта ўрганиш билан бирга 6-8 ой мобайни- да нафақа ҳам олиб туради- лар. Демак, ёшлар эркин фа- олият юритиб, анча муддат ижтимоий ҳимоя қобигида

ижодий меҳнат қилиш кафо- латига эга бўладилар. Бу эса, кейинчалик уларнинг ҳаётда ўрин топиб, муносиб фар- зандалар бўлиб етишишлари учун жуда асқотади.

«Работ қалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги мар- каз ишини ҳар томонлама намунали десак арзийди. Бу ерда 12 нафар ёш қиз- лар зардўзлик касби сир- ларини мукаммал ўрган- моқда. Уларнинг қўли ишга келай деб қолди. Хозир улар исталган андозадаги зардўзлик матоларини му- стақил равишда тайёрлай олиши кишини қувонтира- ди. Бунда сиз суратда кўриб турган марказ раҳ- бари, моҳир уста Шаҳодат опа Болтаеванин хизмат- лари каттадир.

Шаҳодат опанин режа- лари катта. Ҳадемай яна бир «янгилар» ташкил этиб, ишни давом этти- рмоқчи бўлиб турибди.

Суратда: Шаҳодат Болтаева шогирдлари - бўлғуси зардўз қизлар даврасида.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА



Хоразм вилоятида янги ҳосил пилласи йиғим- терини бошланди. Наслбоп пилла етиштирадиган Урганч ва Шовот туманлари пиллакорлари бирин- чи бўлиб ўз маҳсулотларини жўната бошлади. Улар- нинг кўпчилиги ҳар қўти қўрт уруғидан 75 кило- граммдан пилла олди.

ХОРАЗМ ПИЛЛАСИ

Юқори ҳосилдорлик ва сифатнинг сабаби фақат бу йил баҳорда об-ҳавонинг қўлай келгани эмас. Сўнгги йилларда вилоятда наслчилик ишларини яхшилаш, жум- ладан маҳаллий шароитга мос қўртларни етиштириш бўйича кўп ишлар қилинди.

Бу йилги мавсум олдида Богот, Кўшкўпир ва Шовот туманлари пиллакорларига тажриба тарихида Хитой- дан сотиб олинган ва ҳосилининг сифати юқорилиги билан ажралиб турадиган 8 минг қўти қўрт уруғи тарқатил- ди. Бу йил вилоятда 1570 тоннадан ортиқ пилла ҳосили олиш режалаштирилган.

(ЎЗА)

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ОАО «УЗХИМФАРМ» ИМ.С.ИСЛАМБЕКОВА

Начисление и (или) выплата доходов по ценным бумагам эмитента
Порядковый номер сообщения - 05
 - Открытое акционерное общество - ОАО «Узхимфарм» им.С.Исламбекова
 - Место нахождения: г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Т.Шевченко, 23
 - Дивиденды отсутствуют
Наступление даты закрытия реестра
Порядковый номер сообщения - 07
 - Дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг - 18 апреля 2004г.
Решение общего собрания
Порядковый номер сообщения - 09
 - Вид общего собрания - Годовой
 - Форма проведения общего собрания - Открытое
 - Дата проведения общего собрания - 18 мая 2004г.
 - Дата составления и подписания протокола общего собрания - 18.05.2004г.
 - Места проведения общего собрания - Административное здание ОАО «Узхимфарм».
 - Кворум общего собрания - 87,8%
 - Вопросы, поставленные на голосовые, и итогов голосования по ним:
 1 вопрос
 Голосовали «За» - 87,8%
 «Против» - нет, «Воздержался» - нет
 2 вопрос
 Голосовали «За» - 87,7%
 «Против» - 0,1%, «Воздержался» - нет
 3 вопрос
 Голосовали «За» - 87,8%,
 «Против» - нет, «Воздержался» - нет
 4 вопрос
 Голосовали «За» - 87,7%
 «Против» - 0,1%, «Воздержался» - нет
 5 вопрос
 Голосовали «За» - 87,7%,
 «Против» - 0,05%, «Воздержался» - нет
 6 вопрос
 Голосовали «За» - 87,7%,
 «Против» - 0,1%, «Воздержался» - нет
 7 вопрос
 Голосовали «За» - 87,8%,
 «Против» - нет, «Воздержался» - нет
 8 вопрос
 Голосовали «За» - 87,8,
 «Против» - нет, «Воздержался» - нет
 9 вопрос
 Голосовали «За» - 87,8%,
 «Против» - нет, «Воздержался» - нет
Полные формулировки решений, принятых общим собранием.
 По первому вопросу: Работу Наблюдательного Совета считать удовлетворительной.
 По второму вопросу: Отчет об итогах финансово-хозяйственной деятельности ОАО за 2003 год - утвердить.
 По третьему вопросу: Годовой баланс, бухгалтерский баланс, смета прибылей и убытков за 2003 год - утвердить.
 По четвертому вопросу: Нераспределенную прибыль прошлых лет направить на погашение части убытка 2003 года.
 По пятому вопросу: Утвердить состав членов Наблюдательного Совета в следующем составе: Ша- рахмедов Ш.К., Дауланов Д.Б., Го- рюевский Н.Л., Астахова Е.В., Ка- ролуева А.А., Бабаджанов Р. Той- чибаева М.А.
 По шестому вопросу: Утвердить членов правления в следующем составе: Юнусов Б.М., Икрамов Ш.М., Закиров Х.Ш., Муталиев А.У., Рустамов М.С., Вахабов Б.М., Саидахмедов С.Т.
 По седьмому вопросу: Утвер- дить председателем правления ОАО «Узхимфарм» - Юнусова Б.М.
 По восьмому вопросу: Утвер- дить членов Ревизионной комис- сии в следующем составе: Абдул- лаев С.С., Ким Л.Р., Гусейнов И.Г.
 По девятому вопросу: Утвер- дить аудиторов Общества фирму «Шох-аудит».
Изменения в персональном составе должностных лиц.
Порядковый номер сообщения - 10
 - Орган управления эмитен- та, в котором произошли изменения - Правление ОАО «Узхимфарм».
 - Фамилия, имя, отчество из- бранного и освобожденного дол- жностных лиц в органе управле- ния эмитента:
 - избран: Икрамов Шухрат Му- хамеджанович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0
 избран: Закиров Хасан Шакиро- вич.
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0
 избран: Рустамов Маматкул Саттаркулович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0
 - Вахабов Бахтиёр Махаммад- лиевич
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0
 - избран: Юнусов Баходир Ма- рисович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,25%
 - избран: Саидахмедов Саид- азиз Ташпулатович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,08%
 - избран: Муталиев Анвар Ума- рович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,01%
 - Освобожден: Асатов Сайдул- ла Исмаилович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,87%
 - Освобожден: Антропова Вален- тина Павловна
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,37%
 - Освобожден: Срожитдинова Муяссар Кучкарровна
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,47%
 - Освобожден: Толибаев Иногам Толибаевич
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0
 - Освобожден: Матвиенко Вла- димир Андреевич
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,35%
 - Орган управления эмитен- та, в котором произошли изменения - Наблюдательный Совет ОАО «Узхимфарм»
 - Фамилия, имя, отчество из- бранного и освобожденного дол- жностных лиц в органе управле- ния эмитента:
 - избран: Гафуров Абдушахид Абдумомунович
 Доля участия в уставном фонде эмитента - 0,01%
 избран: Тойчибаева Муҳаддас Абдурауупова
 Доля участия в органе управле- ния эмитента - 0,20%
 - Освобожден: Кариева Хавахон Азизовна
 Доля участия в органе управле- ния эмитента - 0,08%
 - Освобожден: Исқандарова Аса- лат Гиясовна
 Доля участия в органе управле- ния эмитента - 0,03%
 - Уполномоченный орган, при- нявший решение - Общее собра- ние
 - Дата в котором произошли изме- нения - 18 мая 2004 г.

Шарҳловчи минбари

бўйича илгари сурган ташаб- буслари Хитой томонидан юқори баҳоланди ва айнан ушбу давлатнинг ўзи ҳам ташаббусларга амалий харакат- лар билан муносабатда бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкило- тининг аъзо-

МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(12 миллион АКШ долларини атрофида) кредит ажратиш тўғрисида икки томонлама битим имзоланди. Бунда 3 йил имтиёзли қилиб белги- ланган. Ушбу кредитлар қува- ти 30 от қучига тенг бўлган мини тракторларни йиғиш бўйича тузилган лойиҳалар- ни амалга ошириш учун йўналтирилган. Мазкур иш- лаб чиқариш тармоғи Тош- кент трактор заводи хисса- дорлик жамиятида ташкил этилди.

Хитой ташки сийсати бо- расида гап кетганида, унинг Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган талай тақлиф ва та- шаббуслари кўлаб-қувват- ланиши таъкидламоқ керак. Масалан, Президентимизнинг «Марказий Осиёни ядро қуролдан холи зона» деб эълон қилиш ва Афғонистон

лантинри масалалари ҳам кирди.

Демак, Ўзбекистон ва Хитой муносабатларида ШХТдаги жараён ҳам сўзсиз марказий мазмун касб этмоқда. Чунки, мам- лакатларимиз ўзаро алоқа- ларида минтақавий ҳавф- сизликни таъминлаш, халқо- ро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бо- риш, экстремизм ва нарко- агрессия ҳавфининг олди- ни олиш, афғон муаммоси, экология масалаларига қай даражада эътибор бериб келинаётган бўлса, ШХТ- нинг бундан бунёнги фао- лиятида ҳам ушбу муаммо- лар долзарблигича қолаве- ради.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сийбий шарҳловчи

